

Аллоҳ айбларни яширувчидир, У яширишни яхши кўради



11:45 / 13.12.2024 2809

Асарларда келишича, Мусо алайҳиссаломнинг даврларида Бани Исроилда қаҳатчилик ва қурфоқчилик юз берган экан. Шунда Мусо алайҳиссалом кишиларни тавба ва истиғфорга тарғиб қилдилар. Сўнг улар билан истисқо намози ўқигани чиқдилар. Намозга фақат тавба қилганлар чиқсин деб талаб қўйдилар.

Мусо алайҳиссалом улар билан намоз ўқидилар. Аммо ёмғир ёлмади. Бу ҳақда Аллоҳдан сўраганларида У зот ичларида гуноҳдан тавба қилмаган инсон борлигини айтди. Мусо алайҳиссалом ёмғирдан маҳрум бўлмаслик учун Бани Исроилдан ёмғир ёғмаслигига сабаб бўлган гуноҳкор кишининг ораларидан чиқиб кетишини сўрадилар. Ҳеч ким чиқмади. Аммо ёмғир ёға бошлади.

Мусо алайҳиссалом Аллоҳдан осий киши ораларида бўлса ҳам, нега ёмғир ёғдиргани сабабини сўрадилар. Аллоҳ таоло ҳалиги гуноҳкор инсон тавба қилганини айтди. Мусо алайҳиссалом унинг исмини сўрадилар. Аллоҳ таоло: «Гуноҳ қилганида уни яширган эдим. Тавба қилганида ошкор қиламанми?» деди.

Саҳобалардан Моиз розияллоҳу анҳу зино қилиб қўйди. У қилган ишини дўсти Ҳузол Асламийга айтди. Ҳузол розияллоҳу анҳу насиҳат қилмади, тавбага чақирмади, балки гуноҳини Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга айтишни маслаҳат берди.

Моиз розияллоҳу анҳу Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бориб, воқеани айтиб, гуноҳига иқрор бўлди. Пайғамбар алайҳиссалом уни тошбўрон қилишга амр этдилар. Чунки иш давлат раҳбарига етиб борар экан, авф соқит бўлади. У шаръий ҳад-жазони қоим қилиши лозим.

Кейинчалик Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Ҳузолга йўлиққанларида унга: «Уни кийиминг билан яширганинда сен учун яхшироқ бўларди», деган эдилар.

Ҳа, ислом маълум жазоларни белгилаган. Инсониятга оид барча қонунларда ҳам жиноятга оид кодекслар бор.

Аммо ислом, модомики, Аллоҳ сатр қилган экан, гуноҳни ошкор этмасликка, ундан тавба қилишга чақиради. Яхшиси, гуноҳ ва жиноят қилган киши давлат раҳбари олдига бормасин, жазо беришини сўрамасин. Аксинча, Аллоҳ яширганни ошкор этмасин, тавба қилсин, қайтиб у гуноҳга қўл урмасин.

Баъзи уламолар буларнинг барини икки оғиз сўз билан ифодалашган: «Гуноҳдаги асл нарса тавба ва истиффордир, ҳадларни қоим қилиш эмас».

Сатр шариятимиз асосларидан биридир. Ҳар бир мусулмондан ўзининг ҳам, бошқаларнинг ҳам айб-гуноҳларини бекитиш талаб қилинган.

Башариятнинг нафси эса ўзининг айбларини яшириб, бошқаларнинг айбини ошкор қилишга мойилдир. Ким бошқалар айбининг ортидан тушса, Аллоҳ унинг айби ортидан тушади. Ким бошқаларни сатр қилса, Аллоҳ ҳам уни сатр қилади. Зеро, жазо амалнинг жинсидан бўлади.

Ҳаммамизнинг айбимиз бор. Агар Аллоҳ бизнинг устимизга Сатрини ташламаганда шарманда бўлар эдик. Кишилар бизни заррача эҳтиром

қилмасди.

Банда амал қиладиган энг гўзал ҳулқ кишиларга Аллоҳ таоло сингари муомалада бўлмоқдир. Яъни, Аллоҳ айбларни яширувчидир. Яширишни яхши кўради.

Инсонларнинг айбини эшитсак, уни ичимизда қолдирайлик. Бизнинг ҳам айбларимиз бор. Инсонларнинг устига сатр ташлайлик. Шунда ўзимизнинг айбларимизга сатр ташлаган бўламиз.

«Набавий тарбия» китоби асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 7 мартдаги 03-07/1506-рақамли ва 2023 йил 24 мартдаги 01-07/1959-рақамли хулосалари асосида тайёрланган.